



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



International Conference on Teaching Foreign Languages

TSUL iCON – FLT

30/04/2021

THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic

**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021



ЎЙИН – ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЭРТА ЎРГАТИШДАГИ БЕБАҲО

ФАОЛИЯТ

Мамадаюрова Васила Шоназаровна –

ТДЮУ Хорижий тиллар кафедраси

катта ўқитувчиси

DOI 10.5281/zenodo.4963220

Бугунги шиддат билан одимлаб бораётган бир даврда чет тилларини ўрганиш замон билан ҳамнафас бўлишнинг асосий зарурияти эканлиги барчамизга маълум. Бу масалага давлатимиз томонидан катта эътибор берилаётгани, тил ўрганиш давлат сиёсати даражасида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори, “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, Президент Ш.Мирзиёевнинг Мурожаатномаси, бир қатор давлат дастурлари ва уларнинг бажарилиши ҳозирги кунда ўзининг муносиб ечимини топмоқда.

Маълумки чет тилни ўрганиш узоқ муддатли жараён бўлгани боис уни эрта яъни мактабгача ёш давридан бошлаб ўргатиш кўзланган мақсадга эришишимизга имкон беради. Унинг ўзига хос ижобий томонлари мавжуд. Биринчидан, бу даврда чет тилини ўрганиш барча болалар учун фойдали, чунки у боланинг психик функциялари: хотираси, диққати, тафаккури, идроки, тасаввури кабиларнинг ривожланишига, чет тилини муваффақиятли ўрганишни белгиловчи, унинг нутқий қобилиятини оширувчи жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, таълимнинг ушбу босқичида кўзда тутилган гуманитар предметлар спектрини кенгайтиради ва тил ўрганишнинг муваффақиятини таъминлайди. Шунингдек ушбу масала бола камолотининг муҳим омили сифатида боланинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиради, чет тилда мулоқот қилиш орқали умумисоний маданиятга эртароқ киришига замин яратади.

Маълумки, чет тил ўқитиши жараёни турли усул ва воситалар, жумладан шеър ёдлатиш, қўшиқ, ҳикоя, эртаклар, саҳна асарлари ижро этиш орқали амалга оширилади. Улар орасида энг етакчи фаолият ўйин бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин бола ҳаётининг бебаҳо гавҳари. Шу боис у асрлар давомида илм-фан вакилларининг диққат-эътиборида бўлиб келган. Болалар ўйини назариясига (1920-30-йиллар) Э.А.Флерина, Э.И.Тихеева, Э.А.Аркин каби олимлар асос солганлар; кейинчалик Р.Лехтман-Абрамович, Ф.И.Фрадкина, Н.М.Аксарина, А.П.Усова, Е.В.Зворигина ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари болалар ўйини мавзусини ишлаб чиқишига бағишлиланган.

Бола ўйинининг тарихи, психологияси, унинг ривожланиш қонуниятлари рус психолог олимларидан Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Д.Б.Елконин, З.В.Мануйленко, А.В.Черков, З.М. Богуславскийлар томонидан ўрганилиб, илм-фангага тақдим этилди.

Ўйин бола ҳаётининг мазмуни экан, унинг тил ўрганиш жараёнида ҳам муносиб ўрин эгаллаши шак-шубҳасиз. Carol Read ўзининг “500 Activities for the Primary School” номли ўқитувчилар учун ёзилган китобида чет тилни эрта ўрганиш/ўргатишдаги асосий фаолиятлар қаторида ўйин жараёнига оид қатор маълумотларни келтириб ўтган. Унда ёзилишича, ўйинлар ўқув фаолиятининг асосий бўлаги сифатида ўзининг жараёнга хилма-хиллик бериши, тил ўрганувчига таъсир кўрсатиши, уни қизиқтириши каби хусусиятлари билан намоён бўлади. Ўйин боланинг машғулотдаги актив иштирокини таъминлайди, унда ўз-ўзига бўлган ишонч, ўз-ўзини баҳолаш, назорат қила олиш ҳисларини ривожлантиради. Ўйин чет тил ўрганиш жараёнининг асосий, мухим ажralмас қисми бўлиб, уни тўғри танлаш ва амалга ошириш асосий омилдир. [6]

Ўйин бола ҳаётидаги бебаҳо қадр-қимматга эга бўлган фаолият. Чунки у боладаги когнитив жараённи таъминлайди, нутқ кўникма ва малакаларини



ривожлантиради, ҳамда боланинг ижтимоийлашувига олиб келади. Ўйин орқали хилма-хил интерактив усуллардан фойдаланилади.

Шу ўринда ўйин турларига тўхталиб ўтсак. Ўйин турлари сафига куйидагиларни киритиш мумкин: “name games”(номлаш ўйинлари), “miming games”(тақлид ўйинлари), “playground games” (ўйин майдончасида ўйналадиган ўйинлар), “music games ”(мусиқий ўйинлар), “team games”(жамоа ўйинлари), “revision games” (мустаҳкамлаш ўйинлари), “drawing games”(расм чизиш ўйинлари). Бу каби ўйинларнинг чет тил машғулотида мунтазам равиша қўлланилиши боланинг ўйин шартларини эркин ҳолда бажаришга ўргатади. Шундан сўнг тил ўргатувчи бошқа янги ўйин турларини таклиф қиласди. Ҳатто кейинчалик болаларнинг ўзлари ҳам янги-янги ўйинларни ихтиро қилишлари мумкин. Ўйинлар сарасига мусобақа тарзида ўtkaziladigan қоида ҳаракатли ўйинларни киритиш мумкин. Бундай ўйинларни ўtkaziш натижасида болада ўз-ўзини назорат қилиш, шахслараро муносабатни таркиб топиши, тез фикрлаш қобилиятларининг ўсиши кузатилади. Ёш болаларда “ўз дунёсини”, ўзлигини ўйин орқали акс эттиришда табиий мойиллик мавжуд. Бу эса ўз навбатида чет тил ўрганишга ҳам асос бўлиши мумкин. Турли ҳаракатлар орқали ўйнаб тил ўрганиш унга хорижий тилни осонроқ англаш имкониятини беради. Шунингдек, ўйин жараёнида кузатиладиган, болани завқлантирувчи муҳит бевосита чет тилни ҳам катта қизиқиш ва хоҳиш билан ўрганишини тақозо этади.

Ўйин орқали тил ўргатиш боланинг жисмоний, ижтимоий эмоционал ва когнитив ривожланишини таъминлайди. Шунингдек ўйинлар болада ўзаро ҳамкорлик, навбат алмашиш, ўзгаларни тинглаш, уларни ҳурмат қилиш, турли қоидаларга амал қилиш каби ижтимоий малакаларни ҳам ривожлантиради. Ҳаракатли ўйинлар болаларда жисмоний мувозанат ва психомотор қобилиятларини ривожлантирса, бошқалари тасаввур қилиш, ижодий тафаккурини, идрокини ўстиради. Яна шуни айтиш мумкини, ўйинлар

болада диққатни жамлай олиш қобилияти ва унинг хотирасини ривожлантиради.

Маълумки, кўпчилик болаларда эгоцентрик хусусият мавжуд бўлиб, бу ҳолат боланинг боғчадаги дастлабки кунларида, дастлаб атрофдагилар билан муносабатида, уни ўраб турган муҳитга мослашишидаги қийинчиликларда ўз аксини топади. Бундай вазиятда чет тил ўргатиш машғулоти ва унда қўлланилган ўйинлар боланинг ўзи хоҳлаган тарзда бошқалар билан мулоқот қилишига, бир сўз билан айтганда боғча ҳаётига киришишга, унга мослашиш, ўрганишига учун энг қулай, самарали восита бўлади. Боғчада ўз уйида бўлгани каби ўзини эркин ҳис қиласди.

Болаларга хорижий тил (инглиз тили) ўйин орқали ўргатилар экан ўйинлар боланинг ёши, психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим. Шунингдек тил ўргатувчининг машғулот давомида қуидаги талаб-таклифларга амал қилиши ҳам ўз самарасини беради:

- Оддийликка эътибор бериш. Осон ўйналадиган ўйинлардан кўпроқ фойдаланиш. (Айниқса кўп сонли болалар гурухларида);
- Ўйиннинг ҳар бир дақиқасида боланинг актив иштирокини таъминлаш;
- Ўйин шартларини болаларга аниқ тушунтириш. Кўпчилик ўйинларни дастлаб бутун гурух билан ўйнаш;
- Ўйин жараёнига тегишли бўлган инлизча иборалардан фойдаланишга ўргатиш. Масалан, It's my / your turn;
- Болалар севиб, хоҳлаб ўйнайдиган ўйинлардан фойдаланиш;
- Боладаги қизиқиш сўнмасдан туриб ўйинни якунлаш.

Шунингдек юқорида санаб ўтилган ўйинлар ва уларнинг яна бошқа турларини таълимнинг мақсад ва вазифаларига мос бўлган ҳолда чет тил дарсларида қўллаш, ҳар бир ўқитувчи ўз тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда қўшимча ўйин усулларидан фойдаланиши мумкин.

Тил ўргатиш жараёни бевосита ўйинлар орқали амалга оширилар экан бу борада қуидаги фикрларни ҳам беришни лозим топдик. Юқорида санаб



ўтилган ўйинлар қаторида тил ўргатувчи болаларбоп ўзбек миллий ўйинларидан чет тилда фойдаланиши ҳам мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, бола ўйин мазмунини аввалдан билгани боис унда мотивация жараёни кучли бўлади, ундаги ҳаракатларни бажариш ҳеч қандай қийинчиллик туғдирмайди, бола завқ билан ўйнайди. Бу билан муаллим чет тил машғулотига миллийлик руҳини олиб киради. Фарзандларимиз ватанимизни севиш, уни асраб-авайлаш кераклигини ҳис қиласидилар. Қолаверса халқимизнинг бой меъросини чет тилда бошқа халқларга танитиш имконига эга бўладилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ўйин бола ҳаётининг мазмуни эканлиги, бебаҳо қадр-қимматга эга бўлгани боис, чет тил ўқитиш жараёнининг ҳам энг етакчи, энг зарурый фаолият тури бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
2. Махкамова Г.Т. Формирование навыков и умений устной иноязычной речи у дошкольников 5-6 лет (на материале английского языка) : Дисс. ... канд. пед. наук.– Ташкент, 2004.
3. Gunter Gerngross and Herbert Puchta. (1999). Play way to English. A four-level course Teachers Guide. Cambridge University Press.
4. <http://en.wikipedia.org/wiki/Kindergarten>
5. www.cambridge.org/elt/playway
6. Read , C. 500 activities for the Primary school (Macmillan Books for Teachers) Thailand, 2011.